

322 - وَعَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِنَّ اللَّهَ تَعَالَى خَلَقَ الْخَلْقَ، حَتَّى إِذَا فَرَعَ مِنْهُمْ قَامَتِ الرَّحِمُ، فَقَالَتْ: هَذَا مُقَامُ الْعَائِدِ بِكَ مِنَ الْقَطِيعَةِ، قَالَ: نَعَمْ أَمَا تَرْضِينَ أَنْ أَصِلَ مَنْ وَصَلَكَ، وَأَقْطَعَ مَنْ قَطَعَكَ؟ قَالَتْ: بَلَى، قَالَ فَذَلِكَ لَكَ، ثُمَّ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: اقْرَأُوا إِنْ شِئْتُمْ: { فَهَلْ عَسَيْتُمْ إِنْ تَوَلَّيْتُمْ أَنْ تُفْسِدُوا فِي الْأَرْضِ وَتَقَطُّعُوا أَرْحَامَكُمْ * أُولَئِكَ الَّذِينَ لَعَنَهُمُ اللَّهُ فَأَصَمَّهُمْ وَأَعَمَّى أَبْصَارَهُمْ } [محمد: 22، 23]. مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ.

وَفِي رِوَايَةِ لِلْبُخَارِيِّ: فَقَالَ اللَّهُ تَعَالَى: «مَنْ وَصَلَكَ، وَصَلْتُهُ، وَمَنْ قَطَعَكَ قَطَعْتُهُ». [5988].

322. У кишидан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Аллоҳ азза ва жалла барча махлуқотларни яратди. Уларни яратиб бўлгач, раҳм туриб, «Бу - қариндошлик риштасини узишдан паноҳ сўровчининг мақоми», деди. У Зот: «Ҳа. Сени узганни узишимга, сени боғлаганни боғлашимга рози бўласанми?» деди. «Албатта!» деди. У Зот: «Ўша сенга бўлсин!» деди.**

Сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Хоҳласангиз, «Эҳтимол, юз ўгирсангиз, ер юзида бузғунчилик қилиб, қардошлик ришталарингизни узарсиз?! Ана ўшаларни Аллоҳ лаънатлади, ўзларини қар қилди, кўзларини кўр қилди. Қуръонни тадаббур қилиб кўрмайдиларми? Ёки қалбларнинг қулфлари борми?» оятини[1] ўқинглар», дедилар.**

Муттафақун алайҳ.

Имом Бухорийнинг ривоятида қуйидагича келтирилган: «**Аллоҳ таоло қариндошлик риштасига: «Ким сенга етишса, Мен ҳам етишаман. Ким сендан алоқани узса, Мен ҳам алоқани узаман»**, деб айтди».

Шарҳ: Аллоҳ таоло Ўзининг холиқлик сифати ила барча махлуқотларни яратган чоғдаёқ раҳм дарҳол ўрнидан туриб, қариндошлик алоқалари кесилишидан паноҳ сўраган экан. Ана шунда Аллоҳ таоло қариндошлик алоқасини боғлаганлар билан алоқа боғлашни ва уни кесганлардан алоқасини кесишни ваъда қилиб, уни рози этган экан.

Аллоҳ таолонинг ваъдаси ҳақ эканига заррача шубҳа йўқ. Шундай экан, ҳар бир мўмин-мусулмон банда қариндошлик алоқасини яхшилаб боғлаб боришга ҳаракат қилиши лозим.

Тушунарли қилиб айтадиган бўлсак, Аллоҳ таоло раҳмга: «Қариндош-уруғчилик алоқаларини яхши олиб борганга яхши бўлишим, уларни узганга раҳматимни узиб қўйишимни хоҳлайсанми?» деди.

Шунда раҳм: «Ҳа, ё Роббим», деди.

Аллоҳ таоло: «Ундай бўлса, сенга тилаганингни бажо келтирдим», деди.

Қариндошлик алоқасини узганлардан Аллоҳ таоло ҳам алоқасини узади, қариндошлик алоқаларини боғлаб турганлар билан Аллоҳ таоло Ўз алоқасини бардавом қилади.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи вассалам: «Агар мана шу маънони билмоқчи бўлсаларингиз, қуйидаги оятни ўқинглар», деб туриб, Муҳаммад сурасидан 22-23-оятларни ўқидилар:

«Эҳтимол, (иймондан) юз ўгирсангиз, ер юзида бузғунчилик қилиб, қариндошлик ришталарингизни узарсиз?!»

Бу оятда иймондан юз ўгириб, жоҳилиятга қайтишдан келадиган бу дунёдаги зарарлар эслатилмоқда.

Аввало, ер юзида бузғунчилик содир бўлади. Чунки иймонсиз кишилардан доимо ушбу ёмонлик келиб чиққан.

Шу билан бирга, иймондан қайтганлар ўз қариндош-уруғлари, ёру дўстларидан қардошлик ришталарини узадилар. Бу ҳам улкан зарар ҳисобланади.

Аmmo иймондан юз ўгиришнинг зарарлари бу билан тугаб қолмайди, балки асосий зарари ҳали олдинда:

«Ана ўшаларни Аллоҳ лаънатлади, ўзларини кар қилди ва кўзларини кўр

қилди».

Аллоҳ таолонинг лаънатлаши Ўз раҳматидан ва ҳидоятдан узоқ қилиши билан бўлади. Кўр ва қар қилиши ҳам ҳиссий эмас, балки маънавий бўлади. Кўзи соғ-саломат ишлаб туради, лекин кўрган нарсаларидан ўзига ибрат олмайди. Қулоғи ҳам соғ-саломат бўлади, лекин ўзи эшитган нарсаларидан ибрат олмайди.

Демак, бу оғир мусибат экан. Ким қариндошлик алоқасини узган бўлса, мана шу оятга биноан, Аллоҳ таолонинг лаънатига учрар экан. Бу дунёда қар-кўр бўлиб, агар кўзи юмилиб, қулоғи эшитмай қолмаган бўлса ҳам, ҳақиқатни эшитмайдиган, кўрмайдиган, тушунмайдиган бўлиб, ёмон оқибатда ўтар экан. Ёки Аллоҳ таоло уни қиёматда ана шундай аянчли ҳолатга солиб қўяр экан. Ўзи асрасин.

Бас, шундай экан, ҳар бир мўмин, ҳар бир мусулмон силаи раҳм қилиши, қариндош-уруғлар билан алоқаларини яхшилаши, уларга яхшилик қилиш, холидан хабар олиш маъносида кўлидан келган барча нарсани қилиб бориши ва қариндошлик алоқаларини узиш тўғрисида ҳатто ўйлаб ҳам кўрмаслиги керак.

[1] Муҳаммад сураси, 22-оят.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI